




Научно-практический электронный журнал


# МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА

ISSN 2658-7998



9 772658 799001 >

Выпуск №79 (том 1)  
(декабрь, 2025)



Международный научно-практический  
электронный журнал «МОЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: [mpcareer.ru](http://mpcareer.ru)

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №79 (том 1) (декабрь, 2025).**

**Дата выхода в свет: 31.12.2025.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



## ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ НАУЧНОМ МЫШЛЕНИИ

НАЦИОНАЛЬНЫЙ ПРОЕКТ «КАДРЫ» В ЗДРАВООХРАНЕНИИ: ПРИОРИТЕТЫ, ЗАДАЧИ И РЕАЛИЗАЦИЯ В РЕСПУБЛИКЕ СЕВЕРНАЯ ОСЕТИЯ–АЛАНИЯ Арсагова А.В., Горохова Е.А.	222
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ИНВЕСТИЦИОН МУЎИТНИНГ ТАЪСИРИ Олтаев Ш.С.	228
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ Олтаев Ш.С.	236
КРЕДИТ РИСКЕНИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ БОШҚАРИШ Олтаев Ш.С.	246
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ ИНВЕСТИЦИОН ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	254
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВ ВА ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРНИНГ ГАР ТАҲЛИЛИ Олтаев Ш.С.	264
ЗНАЧЕНИЕ И ОСНОВНЫЕ СОСТАВЛЯЮЩИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ Недорубов Д.Н.	271
ЗНАЧЕНИЕ И МЕХАНИЗМ ФОРМИРОВАНИЯ ЦЕН НА УСЛУГИ ПРЕДПРИЯТИЙ В СФЕРЕ ЖКХ Ткаченко Л.А.	276
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРЕИМУЩЕСТВА ПРОГРАММЫ «СПОРТ – НОРМА ЖИЗНИ» (НАЦПРОЕКТ «ДЕМОГРАФИЯ») И СНИЖЕНИЕ ЗАТРАТ НА ЛЕЧЕНИЕ ЗАБОЛЕВАНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ГИПОДИНАМИЕЙ Кантемирова М.А., Цховребова Н.К.	281
РЕАЛИЗАЦИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ПРОЕКТА «КАДРЫ» В СИСТЕМЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ (НА МАТЕРИАЛАХ ЧЕЧЕНСКОЙ РЕСПУБЛИКИ) Кантемирова М.А., Тахаева А.Б.	294
ГАРМОНИЗАЦИЯ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА СТРАН ЕАЭС В СФЕРЕ ФИНАНСОВОГО РЫНКА Зубаиров А.Р.	301



*Олтаев Ш.С.*

СамИСИ доценти, и.ф.н.

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯ БОЗОРИДАГИ ИНВЕСТИЦИОН ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон молиявий-иқтисодий барқарорлиги таъминланишида банк тизимининг ўрни, хусусан, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ инвестицион операцияларини самарали ташкил этиш масалалари ёритилган. “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” (ПФ-60) доирасида капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш, хорижий инвесторларга қулай шароитлар яратиш, давлат ва корпоратив қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифалар таҳлил қилинади. АТ “Асакабанк” мисолида қимматли қоғозларга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми ва уларнинг банк активлари таркибидаги улуши қисқача тавсифланиб, қимматли қоғозлар бозорида фаол қатнашув банк активлари ҳажмини ошириш, шу билан бирга ликвидлик ва риск даражасига таъсири кўрсатилади. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан инвестицион операцияларида юзага келиши мумкин бўлган рисклар ва уларни камайтириш зарурати асослаб берилади.

**Калит сўзлар.** Молиявий барқарорлик, тижорат банклари, қимматли қоғозлар, инвестицион операциялар, капитал бозорини эркинлаштириш, ПФ-60, хорижий инвесторлар, банк ликвидлиги, инвестицион рисклар.

**Кириш.** Республикамизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги катта даражада банк тизимининг самарали фаолият юритишига боғлиқ. Жаҳон молия бозорида рақобатнинг кескинлашуви ва даврий инқирозлар шароитида банклар нафақат анъанавий кредит ва ҳисоб-китоб операцияларини, балки инвестицион фаолиятни ҳам замонавий ёндашувлар асосида ташкил этиши зарур бўлмоқда.



Хусусан, қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирок этиш, узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, хорижий капитални жалб қилиш орқали банкларнинг даромад базасини кенгайтириш билан бирга, миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш мумкин.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” (ПФ-60) доирасида миллий иқтисодиётни жадаллик билан ривожлантириш, капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш, капитал бозори инфратузилмасини модернизация қилиш, давлат ва корпоратив қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бундай шароитда тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестиция сиёсатини тўғри танлаши, рискларни ҳисобга олган ҳолда инвестицион портфелни шакллантириши банк ликвидлиги ва барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Республикамизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан банк тизимига ва унинг самарали фаолият юритишига боғлиқ. Бугунги кунда халқаро банк амалиёти жаҳон миқёсида молия бозоридаги катта рақобат ва инқироз таъсири шароитида амалга оширилаётганлиги ҳаммамизга маълум.

Халқаро амалиётда тижорат банкларининг фаолияти банклараро рақобат асносида ташкил этилган бўлиб, бу эса ўз навбатида банклардан ўз фаолиятида замонавий усуллар ва услублар, янги инновацион технологияларини қўллашни, шунингдек, банкларни ўз фаолиятини ислоҳ қилишни тақазо этади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар негизида миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш, ташқи савдо муносабатларини, солиқ ва молия сиёсатини, шунингдек, банк операцияларини либераллаштирилиши орқали банклар ва банк мижозларига кенг қулайлик ва имкониятлар яратилда. Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60- сонли фармони билан “Ҳаракатлар стратегиясидан - Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг етита устувор йўналиши давлат дастури асосида



тасдиқланди. Етти устувор йўналишнинг учинчиси “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” деб номланган бўлиб, унда бир қанча мақсад ва алоҳида вазифалар белгилаб берилди. Фармонга кўра мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш чораларини кўриш алоҳида вазифа сифатида белгиланди, бу ўринда:

биринчидан, молия бозорига хорижий капитал оқимларини ўрта ва узоқ муддатга жалб қилиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётига узоқ муддатли инвестиция киритилишини таъминлаш, инвесторларга қулай инвестиция муҳитини яратиш;

иккинчидан, давлат қимматли қоғозларини норезидентлар томонидан харид қилишга рухсат бериш асносида хорижий инвесторлар оқимини жалб қилиш, хорижий инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналар ташкил этиш;

учинчидан, корпоратив қимматли қоғозлар бозорида ликвидликни ошириш билан бир қаторда турли мулк шаклидаги корхоналар ва уларнинг товарларига бўлган қизқишни орттириш, бу билан мамлакатимиз молия бозорига хорижий инвесторлар қизиқишини ортишига эришиш;

тўртинчидан, давлат улуши мавжуд корхоналарда хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини жалб қилиш орқали давлат улуши мавжуд корхоналарни трансформация қилинишига эришиш;

бешинчидан, резидентлар томонидан чет мамлакатларда активларни сотиб олиш орқали миллий ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларни хорижий давлатларга сармоя киритишларини рағбатлантириш,

олтинчидан, капитал бозори инфратузилмасини ривожлантириш, бунда мавжуд бозорни замонавий ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида янада фаолиятини кенгайтириш;

еттинчидан, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, молиявий саводхонликни ҳамда капитал бозори иштирокчиларининг малакасини ошириш, хорижий давлатлар молия бозорлари ва иштирокчилари фаолиятини ўрганиш, тажриба алмашиш;



саккизинчидан, “Асакабанк”ни хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда трансформация қилиш ва хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, “Халқ банки”, “Қишлоқ қурилиш банк” “Микрокредитбанк”, “Агро банк”, “Ўзмиллийбанк”нинг акцияларини 2023 -йилга қадар фонд биржаси орқали оммавий жойлаштириш;

тўққизинчидан, банк-молия тизимларида замонавий молиявий хизматлар, операциялар ва технологияларни (финтех) ҳамда нақд пулсиз тўловларни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

ўнинчидан, банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларни киберхавфсизликни таъминлаш, банклар томонидан ўз мижозларига қулай, муҳими хавфсиз операциялар ўтказишни йўлга қўйиш;

ўн биринчидан, аҳолининг кенг қатлами томонидан нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш учун қулай шароитларни яратиш, барча турдаги хизматлари учун тўловларни нақд пулсиз шаклда амалга ошириш имкониятини ташкил этиш орқали банк тизимида молиявий барқарорликни таъминлаш асносида банк операцияларини ривожлантириш ва такомиллаштирилишида мукамал пойдевор яратади.

Маълумки, тижорат банкларининг асосий мақсади - бу мижозларга сифатли, қулай банк операциялари орқали банк хизматларини кўрсатиш билан бир қаторда - банк фойдасини шакиллантириш бўлиб ҳисобланади. Бу борада тижорат банкларининг активларини тўғри ва ишончли соҳа ёки тармоқ йўналишига жойлаштириш орқали, банк активлари - банк даромадини шакиллантиради. Шу билан бирга рискка тортилган активлар бўйича йўқотиш хавфини пасайишига ҳамда фойдани максималлаштириш орқали банк ликвидлигини ошишига олиб келади.

Банклар қимматли қоғозларга инвестиция киритиш билан нафақат ўз даромадини ошишига, балки ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар фаолият кўламини кенгайтишига, ишлаб чиқариш ҳажмини ошишига, қўшимча бўш иш ўринларини вужудга келишига, экспорт-импорт операциялар салмоғини



мамлакат ва хорижий давлатлар миқёсида ўсишига, янги техника ва технологиялар кириб келишига туртки бўлиб хизмат қилади.

Қимматли қоғозлар билан инвестицион операциялар кўламини кенгайтиришда бошқача айтганда банклар томонидан қимматли қоғозларга инвестиция киритишда, тижорат банки томонидан молиявий маблағ йўналтирилаётган корхонанинг фаолият тури, хизмат кўрсатиш соҳаси ёки тармоқ йўналишини чуқур таҳлил қилиш, корхонанинг сўнгги йиллар давомидаги молиявий кўрсаткичларини амалий ўрганиш, ишлаб чиқариш хажми, кўлами, мазкур корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ёки маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги ўрни, шунингдек, корхона ҳамкорлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш муҳим бўлиб ҳисобланади. Негаки, бу каби маълумотлар тўлиқ ўрганмаган ҳолда молиявий фаолият натижалари таҳлилин аналга оширмаган ҳолда инвестиция киритиш, банк активлари рискин ортишига, мазкур жараёндан кўзланган мақсадга эришилмаслиги, пировардида банк даромадини пасайишига, ўз ўрнида банк ликвидлигини пасайишига, тушишига ҳам олиб келиши мумкин. Тижорат банки ликвидлигини пасайиши мижоз ва банк ўртасидаги муносабатлар кўламига ҳам жиддий таъсир қилмай қолмайди. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, банк ликвидлигини пасайиши мижозларнинг банкка бўлган ишончини камайишига, айрим кўлами жиҳатидан йирик бўлиб ҳисобланган инвестицион операциялар натижаси эса, тижорат банки молиявий жиҳатдан заифлашишига, тўловга лаёқатсиз бўлиб қолишига олиб келиши мумкин.

Бу ўринда мамалакатимизда фаолият олиб бораётган АТ “Асакабанк” томонидан банк актив операцияларида қимматли қоғозлар ва уларга қилинган инвестицияларнинг улушни кўриб ўтамыз.

АТ "Асакабанк"нинг 2019-2022 йиллар давомида қимматли қоғозлар ва уларга қилинган инвестицияларга йўналтирилган молиявий ресурслар ҳажми ўсиб бродан, аммо жами активларга нисбатан киритилган сармоянинг салмоғи кам эканлигини кўришимиз мумкин. Тижорат банклари фаолияти универсал хизмат кўрсатувчи молия институти бўлиб ҳисобланади. Банклар томонидан



қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар фоиз тўловлари (сўндирилган) ёки дивиденд орқали катта даромад келтирмасада, уларни фонд бозоридаги фаол ҳаракари натижасида бу турдаги қимматли қоғозлар бозор курсини сезиларни ўсишига, натижада эса банк активлари ҳажмини ортишига олиб келади. Бу каби молиявий барқарор кўрсаткичларнинг ўсиши халқаро амалиётда кўп кузатилган ҳолатлардир.

Юқорида қайд этиб ўтилган маълумотларга таяниб хилоса қиладиган бўлсак, банкларнинг қимматли қоғозлар билан инвестицион операциялари билан боғлиқ рискларни тўлиқ бартараф этиш мушкул, аммо бу каби учраши мумкин бўлган риск турларини камайтириш бўйича тегишли чораларни қўллаш зарур бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли бу каби рискларни максимал камайтирган ҳолда банкларнинг қимматли қоғозлар билан инвестицион операциялари орқали юқори даромад олиш билан боғлиқ тегишли чоралар амалга оширилиши лозим.

Тараққиёт стратегияси ва капитал ҳаракатини эркинлаштиришнинг банклар учун аҳамияти. ПФ-60-сон Фармон билан тасдиқланган Тараққиёт стратегиясининг “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”га оид йўналишларида банк-молия тизимида бевосита тааллуқли бир қатор вазифалар белгиланган. Жумладан: молия бозорига хорижий капитал оқимларини ўрта ва узоқ муддатга жалб қилиш, инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини шакллантириш; давлат қимматли қоғозларини норезидентлар томонидан харид қилишга рухсат бериш орқали хорижий инвесторлар оқимини ошириш; корпоратив қимматли қоғозлар бозорида ликвидликни кучайтириш, турли мулк шаклидаги корхоналарга бўлган қизиқишни ошириш; давлат улуши мавжуд корхоналарни трансформация қилиш ва уларни хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини жалб этиш; капитал бозори инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида бозор фаолиятини кенгайтириш; давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш, молиявий саводхонлик ва капитал бозори иштирокчилари малакасини ошириш.



Мазкур йўналишларнинг барчаси тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти учун кенг имкониятлар яратади, лекин улар билан бир қаторда янги турдаги рискларни ҳам юзага келтиради.

Банкларнинг қимматли қоғозларга инвестиция киритишининг иқтисодий самараси. Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестиция киритиши: банкнинг ўз даромадини ошириш; ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар фаолияти кўламини кенгайтириш; ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш; экспорт-импорт операциялари ҳажмини кенгайтириш; янги техника ва технологияларни жорий этиш каби натижаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун қимматли қоғозларга инвестиция киритиш банклар учун пассив даромад манбаи бўлиш билан бирга, реал секторни қўллаб-қувватлашнинг ҳам муҳим воситасидир.

Бироқ қимматли қоғозлар бозорида инвестицион операцияларни кенгайтириш, айниқса, фонд бозорида нархларнинг ўзгарувчанлиги, эмитент корхоналарнинг молиявий ҳолати ва бозор талабидаги тебранишлар билан боғлиқ рискларни ҳам ошириши мумкин. Шу сабабли, бундай операциялар чуқур таҳлил ва эҳтиёткор ёндашувни талаб этади.

Қимматли қоғозларга инвестиция билан боғлиқ рисклар ва уларни таҳлил қилиш зарурати. Банклар томонидан қимматли қоғозларга инвестиция киритишда қуйидаги жиҳатлар алоҳида ўрганилиши зарур: корхонанинг фаолият тури, тармоқ йўналиши ва хизмат кўрсатиш соҳасини тўлиқ таҳлил қилиш; сўнгги йиллардаги молиявий кўрсаткичлар (даромад, фойда, ликвидлик, қарздорлик)ни чуқур ўрганиш; ишлаб чиқариш ҳажми ва кўлами, товар ёки хизматларнинг ички ва ташқи бозордаги мавқеи; корхона ҳамкорлари, асосий харидор ва етказиб берувчилар ҳақидаги маълумотлар; бозор конъюнктураси, рақобатчилар сони ва улуши, нарх динамикаси.

Мазкур омиллар пухта ўрганилмасдан инвестиция киритилиши банк активлари рискинни ошириши, кутилётган натижаларга эришилмаслигига ва охир-оқибат банк даромадининг пасайиши, ликвидликнинг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Банк ликвидлигининг пасайиши эса мижозларнинг банкка



бўлган ишончини сусайтиради, айрим йирик инвестицион операциялардаги йўқотишлар банкни молиявий жиҳатдан заифлаштириб, тўловга қобилиятсиз ҳолатга олиб келиш хатарини кучайтиради.

АТ “Асакабанк” мисолида қимматли қоғозларга инвестиция улуши. Матнда таъкидланганидек, АТ “Асакабанк” томонидан 2019–2022 йиллар давомида қимматли қоғозлар ва улар бўйича инвестицияларга йўналтирилаётган молиявий ресурслар ҳажми ўсиб бормоқда, бироқ жами активларга нисбатан улуши ҳануз пастлигича қолмоқда. Бу ҳолат икки томонлама талқин қилиниши мумкин: бир томондан, қимматли қоғозлар бозорида рискларни эҳтиёткорлик билан баҳолаш натижаси сифатида; иккинчи томондан, фонд бозорининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, банк инвестицион портфелини диверсификация қилиш салоҳияти тўлиқ ишга солинмаганидан далолат сифатида. Қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар фоиз даромади ёки дивидендлар шаклида катта миқдорда даромад бермаса-да, фонд бозоридаги фаоллик натижасида бозор курсининг ошиши ҳисобига банк активларининг умумий ҳажмини кўпайтириши мумкин. Бу эса банкнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини яхшилашга хизмат қилади.

Тижорат банклари Ўзбекистон молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда стратегик аҳамиятга эга бўлган молия институтларидир. Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, капитал бозорини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш шароитида банкларнинг қимматли қоғозларга инвестицион операцияларини тўғри ташкил этиши зарур. ПФ-60-сон Фармон доирасида капитал ҳаракатини эркинлаштириш, давлат ва корпоратив қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар тижорат банклари зиммасига ҳам қўшимча масъулият юклайди.

Қимматли қоғозларга инвестиция киритиш орқали банклар реал секторни молиялаштиради, иш ўринлари яратишга, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ва экспорт-импорт операцияларини кенгайтиришга ҳисса қўшади. Бироқ эмитентлар фаолияти етарлича таҳлил қилинмасдан инвестиция киритилиши банк активлари рискинни ошириши, ликвидлик ва даромадлиликка салбий таъсир



кўрсатиши мумкин. Шунинг учун қимматли қоғозлар билан боғлиқ инвестицион операцияларда рискларни максимал даражада камайтириш ва пухта таҳлил асосида қарор қабул қилиш зарур.

Эмитент корхоналарни чуқур молиявий таҳлил қилиш. Қимматли қоғозларга инвестиция киритишдан аввал эмитент корхоналарининг молиявий ҳолати, бошқарув сифати, бозор мавқеи, ишлаб чиқариш кўлами ва ҳамкорлари ҳақида батафсил таҳлил ўтказиш.

Инвестицион портфелни диверсификация қилиш. Банк инвестицион портфелини турли тармоқ, ҳудуд, валюта ва инструментлар бўйича диверсификация қилиш орқали алоҳида риск концентрациясини камайтириш.

Капитал бозоридаги рискларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш. Қимматли қоғозлар бозоридаги нарх тебранишлари, ликвидлик, кредит ва бозор рискларини баҳолаш учун замонавий риск-анализ ва “стресс-тест” услубларини жорий этиш.

Ички сиёсат ва регламентларни мустаҳкамлаш. Банкнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялари бўйича ички сиёсат, лимитлар, ваколатлар ва назорат тартибларини аниқлаштириш ва мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш.

Капитал бозори инфратузилмаси билан ҳамкорликни кенгайтириш. Фонд биржалари, дилерлик компаниялари, инвестиция брокерлари ва бошқа иштирокчилар билан ҳамкорликни кучайтириш, улардан бозор конъюнктураси бўйича таҳлилий ахборотлар олиш.

Банк ходимларининг инвестицион саводхонлигини ошириш. Қимматли қоғозлар бозори, инвестицион таҳлил ва риск-менежмент бўйича банк ходимлари учун доимий ўқув курслари, тренинг ва семинарларга эътибор кучайтириш.

Мижозлар билан очиқ коммуникацияни ривожлантириш. Банкнинг қимматли қоғозлар бўйича инвестицион маҳсулотлари, улар билан боғлиқ рисклар ва кутилаётган даромадлар ҳақида мижозларга аниқ ва тушунарли ахборот бериш орқали ишончни ошириш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Mirziyoev Sh.M. "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" PF-60-sonli Farmoni Lex.uzsayti.
2. [www.Asakabank.uz](http://www.Asakabank.uz) sayti ma'lumotlari.